

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ПАРЕМИОЛОГИК БИРЛИКЛАРИДА “БИЛИМ”

КОНЦЕПТИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Рофеева Шохида Давроновна

Самарқанд давлат университети ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада инглиз ва ўзбек тиллардаги “билим” концептига оид паремиологик бирликлар, яъни мақоллар қиёсий аспектда тадқиқ қилинган. Мақоланинг назарий мазмуни кўплаб мисоллар билан исботланган.

Калит сўзлар: мақол, паремиологик бирлик, концепт, оламнинг лисоний манзараси, маданий мерос, концептуаллашув жараёни.

Аннотация

В настоящей статье в сравнительном аспекте исследуются английские и узбекские паремиологические единицы, т.е. пословицы, относящиеся к концепту «знание». Теоретическое содержание статьи подтверждается многочисленными примерами.

Ключевые слова: пословица, паремиологическая единица, концепт, языковая картина мира, культурное наследие, процесс концептуализации.

Abstract

The present article investigates English and Uzbek paremiological units, i.e. proverbs that belong to the concept “knowledge” in comparative aspect. Theoretical part of the article is proved by numerous examples.

Key words: proverb, paremiological unit, concept, lingual world picture, cultural heritage, process of conceptualization.

Кўплаб тилшунослар мақолларнинг келиб чиқиши бўйича тадқиқотлар олиб бориб, уларнинг муаллифи халқ, яъни халқ донолиги эканлигини исботлади. Мақоллар фольклор, яъни халқ оғзаки ижодига таалуқли бўлиб, инсон ва атрофдаги оламнинг объектлари ва ҳодисаларига нисбатан турли баҳоларни ифодалайди. Шунингдек, мақоллар инсон фазилатлари ва тавсифларини баён этади ва уларни авлоддан авлодга етказди.

Мақол – анъанавий ибора бўлиб, қисқартирилган лекин мазмунли шаклда маслаҳат ёки насиҳатни ифодалайди [4, б. 8].

У ёки бу лисоний маданият соҳиблари онгида кечаётган тафаккур жараёнини тилда ўз изини қолдиради ва мазкур онг “бўлакчалари” дунё ва воқелик объектлари ҳақидаги билим тизимлари бўлган лисоний концептлар кўринишида авлоддан авлодга тил орқали етказиб берилади. Демак, мазкур лисоний маданият соҳибларининг перцептив, концептуал ва процессуал билимлари йиғиндиси бўлган концептлар тўғридан-тўғри онг билан боғлиқ. Ушбу билим паремиологик бирликлар семантикасида фаоллашади. Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаровларнинг таъкидлашича, паремиялар барча таркибий қисмлари иштирокида миллий маданиятни мажмуавий тарзда акс эттиради [1, б.23].

Ҳар бир тил тизими ўзининг паремиологик фондига эгадир. Турли тиллардаги мақоллар ўртасида ўхшашлик ва фарқли томонлар мавжуд. Ўхшашлик семантик нуқтаи назардан намоён бўлса, фарқли томонлар мақолларнинг миллий-маданий хусусиятлари билан бевосита боғлиқдир. Бундай хусусиятларни аниқлаш учун мақолларни турли тиллар кесимида қиёсий аспектда ўрганиш лозим. Шу йўсинда, мақолларнинг турли стилистик, когнитив, лингвомаданий мазмунини ёритиш мумкин. Мақолларнинг кўпчилиги антропоцентрик парадигма нуқтаи назардан ўрганилади, зеро улар инсон ва унинг ҳаракатларини тасвирлайди. Тилшуносларнинг аҳамиятини мақоллардаги прагматик маъно тортмоқда, чунки прагматик мазмун турли баҳолар билан боғлиқ. Паремиологик бирликлар прагматик нуқтаи назардан розилик, норозилик, узр сўраш, киноя, тилак билдириш, руҳсат, буйруқ ва ваъда бериш каби турли маъноларни ифодалайди.

Мақоллар инсоннинг субъектив дунёқараши ёки маънавий фаолияти негизда турган оламнинг глобал сиймосини батафсил намоён қилади ва ифодалайди. Обьектив воқеликнинг бундай субъектив ифодаси, воқеликни нафақат кўзгудагидек акс эттирувчи, балки уни ижодий тарзда талқин қилувчи турли хил баҳоларни ўзида мужассам этган ҳолда лисоний код кўринишини олади. Кўплаб тилшунослар мақолларнинг келиб чиқиши масаласида фикр билдириб, уларнинг муаллифи халқ ва халқ донишмандлиги эканлигини қайд этишган. А.В. Кунин мақолларни ибратли маъно ва турғунлашган шаклга эга бўлган ихчам ҳикматлар сифатида талқин қилади [3, б. 432]. Мақоллар авлоддан авлодга муайян лисоний жамиятнинг миллий тафаккури ва миллий менталитетини етказиб ва оламнинг лисоний манзарасининг бир қисмига айланади. Шундай бўлса ҳам, ҳар бир инсон мақолларнинг маъносини индивидуал онг ва тафаккури доирасида турли ассоциациялар ёрдамида англайди.

Мақолларга кўчма маъно хос бўлиб, улар турли ходисалар ҳақида халқ фикри ва тажрибасини намоёиш этади. Мақоллар турли кунли вазият ва шароитларда тез-тез қўлланилади ва уларнинг хусусиятларини амалий шаклда ёритади. Паремиялар

структурасида жамият қонун-қоидалари, инсон хулқ-атвори ва ҳар бир вазиятга оид стереотипларни намойиш этади.

Мақоллар одамларнинг ҳаётий тажриба ва кузатувлар натижасида пайдо бўлишади ва маълум бир ҳодиса, жараён ёки объектга баҳони ифодалайди. Мақоллар одатда оддий тил ва қисқа шаклга эга бўлади. Улар турли мулоқотда тез-тез қўлланилади ва инсониятнинг кўп асрли тажрибани акс эттиради. Бир томондан улар универсал ва оддий бўлиб, турли вазиятларда ишлатилади. Бошқа томондан, мақоллар метафорик бўлгани сабабли, аниқ бир вазиятда қўлланилиши талаб қилади.

Паремиологик концептлар аниқ бир миллатнинг миллий қадриятларининг тизимини намён қилувчи тил воситалари ҳисобланади. Бу аспектда оламнинг провербиал манзараси шаклланади, яъни мақоллар структурасида одамларнинг атрофдаги олам ва унинг объектига нисбатан интеллектуал ва эмоционал муносабатларни ифодаловчи паремиологик фонд.

Инглиз ва ўзбек тилларида “билим” концептосферасига тегишли кўплаб мақоллар қўлланилади. Иккала чоғиштираётган тилларда инсоннинг ақл ва ақлий қобилияти ҳақидаги мақолларни қиёслаш аспектида ўрганишдан муҳим аҳамиятни касб этади. Бундай мақоллар ўзига хос семантик ва экспрессив-эмоционал мазмунга эга бўлишади. Бундан ташқари, билим мавзусига оид инглиз ва ўзбек паремиологик бирликлари чоғиштираш аспектида ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Бу, ўз навбатида, иккала тилнинг лингвомададаний жиҳатларини аниқлаш учун замин яратади.

Иккала тилда ҳам билим маънавий, маданий ва руҳий бойлик эканлиги таъкидланган. Бу ҳақида мақоллар мавжуд: Know enough to come in out of the rain = Билимлига дунё ёруғ, билимсизга – қоронғи [2, б.192].

Баъзи халқ мақолларида билимнинг моддий бойликдан устунлиги айтиб ўтилган: The only jewel which will not decay is knowledge – сўзма-сўз таржима: ҳеч қачон тугамайдиган бойлик – бу билим.

Халқ мақолларида ҳаёт тажрибасига эга бўлган инсон билимга ҳам эга эканлиги таъкидланган. Бундай инсонга ақл ўргатиш ноҳўя ҳисобланади: Teach one’s grandmother to suck eggs = Аҳмоқ ақл ўргатар [2, б.135].

Отадан фарзандга қолдирадиган энг яхши мерос – бу билимдир. Мазкур фикрни қуйидаги паремияси исботлайди: Virtue and trade are the best portion for children.

Билим олишнинг порлоқ келажаги мақолларида акс этилган: Learning is the eye of the mind – Ўқиш миянинг (ақлнинг) кўзи.

Ҳар бир инсоннинг аҳмоқлиги борлигини қуйидаги мақол таъкидлайди: Every man has a fool in his sleeve. Ўзбекча эквиваленти: Ҳар кимнинг енгида аҳмоқ бор [2, б. 222]. Паремияларда ҳатто олим ҳам адаши мумкинлиги баён этилади: No man is wise at

<https://conferencea.org>

all times = Олим адашса олам қоқилар [2, б. 227]. Адашиш инсонга хосдир: To err is human = Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик – ордир [2, б. 81]; Every man has his faults = Ҳар бир тўқиснинг бир камчилиги бор [2, б. 82].

Билим олиш ҳеч қачон кеч эмас: It is never too late to learn – Ўқишнинг кечи бўлмайди. Бошқа мақоллар илмни тезроқ олиш ва ҳаёт қисқа эканлигини таъкидлайди: Art is long, life is short = Илмсиз – бир яшар, жавоб – тегирмондан [2, б. 13]; It is easy to be wise after the event = Ақлинг пеш – ишинг беш, ақлинг кеч – ишинг ҳеч [2, б. 76].

Хуллас, мақол тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирини кўрсатувчи ва инсоннинг ички (рухий) дунёсини баҳоловчи лингвокультуремадир (лисоний-маданий бирлик). Мақоллар инсон когнитив фаолиятининг тайёр қолипи бўлиб, оламнинг маданий, миллий ва касбий манзаралари билан боғлиқ. Тадқиқот шуни кўрсатадики, инглиз ва ўзбек лисоний маданиятларда паремиялогик фондида ўхшашлик ва фарқли томонлари мавжуд. Ўхшашлик томони билимга бўлган эҳтиёж ва ижобий баҳоси билан боғлиқ бўлса, фарқли томонлари инглиз ва ўзбек тилларга хос этник-маданий хусусиятларда ўз аксини топган.

Адабиётлар

1. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. – Москва: Русский язык, 1990. – 246 с.
2. Караматова К.М., Караматов Х.С. Proverbs. Мақоллар. Пословицы. – Тошкент: Меҳнат, 2000. – 398 б.
3. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – Дубна: Феникс+, 2005. – 488 с.
4. Longman Dictionary of English Idioms. – 1996. – 386 p.